

“Агробанк” ОАТБ Бошқаруви
йиғилишининг
2012 йил 27-январдаги
7/5 -сонли қарори билан

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

“Агробанк” ОАТБ Кенгаши
йиғилишининг
2012 йил 6-февралдаги
4/2-сонли қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг
ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ

Тошкент-2012

1. Умумий асос

1.Банкнинг депозит сиёсати (кейинги барча ўринларда “Сиёсат”) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Адлия вазирлигида 2000 йил 5-июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом, шунингдек Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Умумий қоидалар

2.Депозит - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммасидир.

3.Депозит операцияларининг субъектлари бўлиб юридик ва жисмоний шахслар, объекти бўлиб эса уларнинг пул маблағлари ҳисобланади. Депозитлар нақд ёки нақдсиз пул шаклларида ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

4.Банкнинг депозит сиёсати қуйидагиларга асосланган ҳолда шакллантирилади:

а)депозит муносабатларининг субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар)га;

б)депозитларни жалб қилишда фойдаланиладиган воситаларга;

в)ресурсларни жалб қилиш муддатлари ва миқдорларига;

г)жалб қилиш мақсадлари (инвестициялаш, кредитлаш, жорий ликвидликни таъминлаш)га.

5.Банк ўз депозит сиёсатини амалга оширишда Марказий банкнинг иқтисодий меъёрлари, мажбурий заҳиралар бўйича белгиланган ставкалар, қайта молиялаш ставкаси ҳамда солиқ қонунчилиги ва ундаги ўзгаришлар, молиявий бозордан маблағларни жалб қилиш ҳамда уларни жойлаштиришнинг жорий ҳолати ва тенденциялари каби омилларни ҳисобга олади.

6.Банк юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини депозитга муддатлилик, қайтаришлилик ва тўловлилик шартлари асосида жалб қилади.

7.Банк депозит операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, мазкур Сиёсат ва депозит турлари бўйича операцияларни амалга оширишнинг ички тартиблари ҳамда шартларини мувофиқлаштирувчи бошқа ички меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилади.

3. Сиёсатнинг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари

8. Депозит сиёсатнинг асосий мақсади этиб мижоз ва ҳамкорлар учун комплекс банк хизматини кўрсатишга шарт-шароитлар яратиш орқали аҳоли ва юридик шахслар маблағларини депозитларга жалб қилишни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

9. Депозитларга маблағларни жалб қилиш ва фойдаланиш банк лицензиясида қайд этилган қуйидаги операциялар орқали амалга оширилади:

а) юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, бошқа банкларнинг) ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

б) депозит сертификатлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ҳамда сотиш;

в) Халқаро молия институтлари кредит линияларини жалб қилиш;

г) Марказий банк кредит линияларини жалб қилиш;

д) Хукуматнинг мақсадли Жамғармалари маблағларини жалб этиш;

е) молиявий бозордан ресурсларни узоқ ва қисқа муддатларга жалб қилиш.

10. Банк ўз фаолияти давомида маблағларни жалб қилишнинг инструментлари ассортиментини кенгайтириб, такомиллаштириб боради.

11. Сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;

б) маблағларни мақбул шартлар ва баҳолар асосида жалб қилиш;

в) банк активлари ва пассивларини самарали бошқариш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш;

г) маблағларни депозитларга узоқ муддатга жалб қилиш ва жалб қилинган ресурслар барқарорлигини таъминлаш учун қулай шароитларни яратиш;

д) аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича пул бозоридаги етакчилигини янада мустаҳкамлаш, маблағларнинг ўсиши ва жамғарилишини таъминловчи ликвидлилик, даромадлилик ҳамда ишончлилик коэффициентларини ошириш, жалб қилиш инструментларининг манфаатли турларини яратиш орқали аҳолининг жамғариш ҳамда инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш;

е) корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бозоридаги банкнинг улушини ошириш, универсал банк сифатидаги хизматлар кўламини кенгайтириш.

12. Депозит операцияларини амалга ошириш борасида банкнинг асосий тамойили бўлиб, банкни барқарор фаолият кўрсатиши учун талаб этиладиган мақбул миқдордаги ресурслар билан таъминлаш ҳисобланади. Бунда депозит операцияларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- а)депозит операцияларининг фойда келтириши;
- б)депозит операциялари турли тоифадаги субъектлар билан амалга оширилиши;
- в)депозит операцияларда алоҳида эътибор узоқ муддатли ва жамғарма омонатларига, яъни барқарор ресурсларга қаратилиши;
- г)депозитлар ва кредитларнинг муддат ҳамда ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиблигини самарали бошқариш.

4. Ресурсларни жалб этишнинг асосий манбалари

13.Пул маблағларини жалб этишнинг асосий манбалари ҳамда воситалари сифатида қуйидагилар белгиланади:

- а)банк пасивлари таркибида жадал суръатларда ўсаётган манба сифатидаги юридик шахсларнинг маблағлари;
- б)муддат жиҳатдан энг барқарор бўлган инвестиция ресурслари сифатидаги аҳоли омонатлари;
- в)банкнинг қимматли қоғозлари, жумладан муомалага чиқариладиган депозит сертификатлар ҳамда облигациялар;
- г)банклараро депозит бозоридаги ресурслар;
- д)банк устав капиталини ошириш орқали банк акцияларини сармоядарлар орасида жойлаштириш.

5. Юридик шахслар маблағларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари

14.Юридик шахслардан пул маблағларини жалб қилишда ушбу Сиёсат, миқдорларга хизмат кўрсатишнинг сифати ва турларини кўпайтириш, икки томонлама манфаатли бўлган муносабатларни мустаҳкамлаш йўналишларига асосланади.

15.Асосий эътибор юридик шахсларнинг ҳисобварақларида барқарор ва арзон депозитлар салмоғини оширишга қаратилади. Бунда юридик шахсларга жорий ҳисобварақларни очиш, уларга хизмат кўрсатишнинг янги шартлари ва турларини таклиф қилиш орқали рағбатлантирувчи шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилади.

16.Банкнинг маблағларни жалб этиш борасидаги асосий вазифаларидан бири корпоратив миқдорларга хизмат кўрсатиш бозоридаги улушини оширишга қаратилади. Хусусан корпоратив миқдорларнинг жорий ҳамда муддатли ҳисобварақларига жалб қилинган маблағларни банк депозитлари таркибидаги улушини ошириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

17.Сиёсатни миқдорлар билан узоқ муддатли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш асосида амалга ошириш белгиланган. Хусусан, банк йирик компаниялар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда комплекс хизмат кўрсатиш тизимини жорий этади, шунингдек ўз махсуллари ва

кўрсатаётган хизматларни халқаро банк амалиётида қабул қилинган стандартлар ҳамда мослашувчан технологиялар асосида такомиллаштириб боради.

18.Банкнинг ликвидлилик даражасини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу даражанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк юридик шахсларни жами ҳисобварақларидаги пул маблағлари таркибида узоқ муддатли депозитларнинг улушини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Бунда, юридик шахслардан 1 йилдан 3 йилгача бўлган ҳамда 3 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар бўйича Марказий банк мажбурий захирасига ажратмаларнинг умум жорий этилган меъёрлари 80% ҳамда 70% миқдорида қўлланилади.

19.Банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида юридик шахсларнинг муддатли депозитлари қолдиғи йил бошига нисбатан камида 20 фоизга оширилади.

6. Жисмоний шахслар маблағларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари

20.Банк жисмоний шахсларнинг маблағларини депозитга жалб қилишда аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга алоҳида вазифа сифатида ёндашади.

21.Ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида асосий эътибор куйидагиларга қаратилади :

а)ота-оналар томонидан фарзанди учун у 16 ёшга тўлганда олиш шарти билан эгасининг номи ёзилган жамғарма омонатини очишлари, унга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фоизлар ҳисоблаш ва уни капиталлаштириб бориш;

б)фарзанди учун жамғарма омонатларини очган ота-оналарнинг омонатда кредит суммасининг камида 25 фоизи тўплаган тақдирда имтиёзли таълим кредитини расмийлаштиришда устувор ҳуқуққа эга бўлиш;

в)ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга қулай ва даромадли омонат турларини жорий этиш;

г)аҳолининг қишлоқ хўжалик соҳасида бевосита хизмат қилаётган, шунингдек пахта, ғалла ва дон ҳосилини етиштиришда ҳамда йиғиштириб олишда қатнашаётган меҳнаткашлар учун манфаатли омонат турларини жорий этиш;

д)озик-овқат (деҳқон) бозорларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жамғарма ҳамда муддатли депозитларга, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушадиган бўш пул маблағларни омонатчиларга маблағ сақланадиган ҳар бир куни учун фоизли даромад ҳисоблаган ҳолда вақтинча сақлашга жалб этиш;

е) қариялар учун даромадли бўлган жозибадор омонат турларини жорий этиш;

ё) талабаларни ва ўсиб келаётган ёш авлодни рағбатлантириш мақсадида юқори фоизли омонат турларини жорий этиш;

ж) аҳоли учун қулай ва жозибадор бўлган муддатли ва жамғарма омонатларнинг янги турларини жорий этиш;

з) жойлаштириш муддати тугаганда қўшимча бонусли фоизлар тўланадиган янги ютуқли омонат турларини аҳоли учун жорий этиш;

и) чет эл валютасидаги депозитлар, шунингдек “ВИЗА”, “Мастер-кард” халқаро валюта пластик карточкалар бўйича тўлов тизимини ривожлантиришга қаратиш;

й) мультивалютали (доллар, евро, фунт стерлинг ва қонунчиликда белгиланган бошқа валюталардаги) омонатларни жорий этиш ва банклар томонидан омонатчиларга уларнинг буюртмасига кўра бир валютани бошқа валютага нақдсиз шаклда айирбошлаш хизматини кўрсатиш;

к) миждозларга масофадан туриб ўз ҳисобварақларини бошқаришни таъминлаш мақсадида “Internet-banking” ва “SMS-banking” тизимларини банк тизимига жорий этиш.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31-октябрдаги “Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги 991-сонли Қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида банк танловда фаол иштирок этиб боради.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан фуқароларнинг депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланиши кафолатланиши аҳолининг банкка бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаши ва аҳоли омонатларини банкка кўпроқ жалб қилишга имкон беради.

7. Банкнинг муддатли қимматли қоғозларини муомалага чиқариш

24. Банкнинг узок муддатли депозит базасини мустаҳкамлаш ва унинг диверсификациясини самарали амалга ошириш мақсадида банк тарафидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг кўлами ва турлари кенгайтириб борилади. Жумладан банк муддатли қимматли қоғозларининг асосий шакллари бўлиб депозит сертификатлари, омонат сертификатлари ва облигациялар ҳисобланади.

25. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида банк томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

а) юридик шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлар ҳамда жисмоний шахсларга мўлжалланган депозит (омонат) сертификатларнинг эмиссиясини амалга ошириш;

б) банкнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида

юрдик шахслар ўртасида жойлаштириладиган узоқ муддатли корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш.

8. Банклараро бозордан маблағларни жалб қилиш

26.Банкнинг қисқа муддатли ликвидлилигини таъминлаш ва жорий тўловларни молиялаштиришни арзонлаштириш мақсадида банклараро бозордан маблағлар мақбул қиймат ва ҳажмларда жалб этилади.

27.Банклараро депозит операцияларининг самарадорлиги, мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш ресурсларга зарурат туғилиши ҳолатида маблағларни банклараро бозордан жалб этишнинг тезкорлигига боғлиқдир.

Маблағларни жалб этишнинг мазкур манбасини манфаатли ва самарали бўлишининг яна бир хусусиятли томони тегишли заҳира талабларини ҳисобкитоб қилишда “Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ банклараро депозит ҳисобварақларининг ҳисобга олинмаслигидадир.

28.Банкнинг банклараро операцияларни амалга ошириш борасидаги сиёсати йирик, молиявий барқарор бўлган тижорат банклари билан бир қаторда яхши мавқега эга хусусий банклар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш асосида юритилади.

9. Депозит операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, фоизларни белгилаш ва фоиз даромадларини солиққа тортиш

29.Депозит операциялар бўйича бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси” ва банкнинг амалдаги бухгалтерия ҳисоби сиёсатида мувофиқ амалга оширилади.

30.Банк юридик ва жисмоний шахслар учун миллий ҳамда хорижий валютада, муддати ва мижозларнинг тоифасидан келиб чиққан ҳолда таснифланадиган ҳисобварақларни амалдаги шартномалар асосида очади ҳамда юритади.

31.Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда банк томонидан мижоз билан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда депозитлар бўйича фоиз ставкалар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50%идан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

32.Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 75%дан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

33.Депозитлар бўйича фоизлар Адлия Вазирлигида 2004 йил 30-январда 1306-рақам билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида фоизларни

ҳисоблаш тўғрисида”ги Низом талабларига асосан ҳисобланади.

34.Депозит операциялар бўйича ҳисобланган фоиз тўловларни солиққа тортилиши амалдаги қонунчилик, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади.

10. Сиёсатни амалга оширишда ҳудудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш

35.Банкнинг ҳудудий бошқармалари ва тасарруфидаги филиалларнинг раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар бўйича амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тегишли депозит ҳисобварақларнинг очилиши ва бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилиши юзасидан масъул ҳисобланади.

36.Сиёсатни амалга ошириш юзасидан Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари масъул ҳисобланади:

а)Аҳоли омонатлари билан ишлаш бошқармаси жисмоний шахсларнинг пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш борасидаги сиёсатни олиб боради. Хусусан аҳоли учун мўлжалланган омонатларга пул маблағларини жалб қилиш бўйича қарорларда белгиланган параметрлардан келиб чиқиб, режаларни ишлаб чиқади ва бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли чораларни кўради. Жумладан янги омонат турларини жорий қилиш бўйича банк Бошқарувига тегишли таклифлар беради;

б)Маркетинг ва матбуот хизмати аҳоли учун мўлжалланган муддатли ва жамғарма омонатларининг янги турлари юзасидан таклифларни бериш мақсадида маркетинг тадқиқотларини амалга оширади ҳамда банкнинг омонат турлари бўйича оммавий-ахборот воситаларида реклама ишларини ташкиллаштиради;

в)Ғазначилик департаменти депозит портфелини шакллантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўради. Хусусан, йирик корпоратив мижозлар ва бошқа банклардан жалб қилинадиган депозитлар бўйича шартларни белгилаш юзасидан раҳбариятга таклифлар беради;

г)Қимматли қоғозлар бошқармаси томонидан қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси, қиммати қоғозларга бўлган талаб, улар бўйича белгиланиши кутилаётган ставкалар, уларнинг рақобатдошлиги, амал қилиш муддатлари ўрганиб чиқилади ҳамда ушбу асосда тегишли таклифлар тайёрланади;

д)Марказий аппарат таркибий тузилмалари томонидан маблағларни жалб қилиш бўйича тузиладиган депозит шартномаларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузилишини Юридик бошқарма назорат қилади;

е)Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти юридик ва жисмоний шахслар ҳисобварақларини очиш ва юритиш, депозит операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва жалб қилинган маблағларга ҳисобланган

фоизларни ўз вақтида акс эттирилишини ўрнатилган тартибда таъминлайди.

37.Депозитлар муддатлари, ҳажми ҳамда фоиз ставкаларини мувофиқлаштириш Ғазначилик департаменти томонидан таркибий тузилмалар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

38.Ички аудит департаменти ўз фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, маблағларни жалб қилишга оид бўлган банк операцияларини таҳлил қилади.

Шунингдек Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари амалдаги қонунчилик ҳамда мазкур Сиёсат доирасида депозитлар ва бошқа банк инструментлари орқали маблағларни жалб этишда назорат функциясини ўз йўналишлари бўйича амалга оширади.